

Қутлуғ айёмга муносиб тайёргарлик: ободлик ва ҳамжиҳатлик

// 22 avgust 2026 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/hashar20260822>

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан юртимизда байрамга муносиб тайёргарлик кўриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва аҳоли ўртасида ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ташаббуслар амалга оширилмоқда.





Шу муносабат билан мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган «**Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги**» дастури доирасида «Ўзкимёсаноат» АЖ марказий аппарати ва тармоқ ташкилотларида умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилди.





Ҳашар давомида ходимлар фаол иштирок этиб, ҳудудларни тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар. Жамоавий меҳнат жараёнида юртдошларимизни бирлаштирувчи меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик каби қадриятлар яна бир бор намоён бўлди.





Зеро, **мустақилликнинг 35 йиллиги** — озов ва обод Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг бирдамлиги ҳамда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кенг намоён этиш учун муҳим айёмдир. Ушбу қутлуғ санага муносиб тайёргарлик кўришда ҳар бир эзгу ташаббус, ҳар бир ободлик иши муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилади.





